



САМАРҚАНД ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИНГ ДУРДОНАСИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24 сентябрь куни Самарқанд вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуғига ташриф буюриб, Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилди.

Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйилиб, Қуръон тиловат қилинди. Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Самарқанд ёшлар марказида вилоят сайловчилари билан учрашди.

Учрашув якунланган, Президентимиз Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуғида амалга оширилаётган қурилиш жараёнлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 апрель куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида янги лойиҳа асосида мазкур мажмуғани қайта қуриш ишлари бошланган эди. Президентимиз қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш,

бу ерда маҳаллий ва хорижлик зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги "Шарқ тонги" маҳалласида бўлди. У ерда қарийб 3 минг аҳоли истиқомат қилади. Оилалар, асосан, тадбиркорлик ва хунармандчилик билан шуғулланади.

Давлатимиз раҳбари шу маҳаллада яшовчи Абдунаби Абдунасимов хонадонига кириб, яшаш шароитлари, фикрлари билан қизикди.

Абдунаби ота соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаб, нафақага чиққан. Турмуш ўртоғи Гулчехра ая билан беш фарзандни тарбиялаб вояга етказган. Айни пайтда фарзандлари, набира ва эваралари эъзозидан яшамоқда.

Меҳнат фахрийлари оила ҳаёти, кечаги ва бугунги кунлар фарқи ҳақида сўзлаб берди.

— Илгари давлат, жамият, инсон деган тамойил бор эди. Биз энди инсон, жамият, давлат деяпмиз. Инсон қадрини биринчи ўринга қўяпмиз. Ҳамма ижро органлари, иқтисодий комплекс қўйи тизимга тушиб, одамларга кўмакчи бўлади. Шу билан бирга, инсоннинг ўзи ҳам ҳаракат қилиши, шароитлардан унумли фойдаланиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хонадондан чиққанда нуронийлар, маҳалла фаоллари билан самимий суҳбат бўлди. Улар мамлакатимиздаги, иқтисодиёт тармоқларидаги ўзгаришлар ҳар бир шаҳар ва туманда сезилаётгани ҳақида гапирди.

— Охириги йиллардаги ҳаракатларимиз туфайли ҳокимликларда маҳаллий бюджет пайдо бўлди. Бу йўқ эди, — деди Президент. — Энди маҳаллаларда бюджет ташкил қилишни режалаштирганмиз. Тасаввур қилинглари, ўзининг пули бўлса, маҳалла қандай ўзгаради — йўлини тўғрилайти, сув олиб келади, шохбча очади. Келгусида маҳаллага пул ҳам киради, талаб ҳам бошқача бўлади. Нуронийлар юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуо қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи якунига етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари



Газетамизнинг бугунги сонидан сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Баҳром Абдуҳалимовнинг сайловолди дастури доирасида амалга оширадиган ташаббуслари акс этган мақоласи чоп этилмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-бетга қаранг



МУНОСАБАТ

БМТ ВА ЎЗБЕКИСТОН: ИНСОНИЯТ ОСОЙИШТА ЯШАШИ УЧУН МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ЗАРУР

Ўзбекистон Президенти жорий йилнинг 21 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида сўзлаган нутқида тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик бутун дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим масала эканини таъкидлади.

Бундай шароитда БМТ инсоният тақдири ва истиқболи учун энг муҳим қарорларни қабул қилиши жуда зарур. Коронавирус пандемияси нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-сиёсий оқибатлари билан инсоният учун огир синов ва машаққатлар келтирди. Ўзбекистон томони бу масалага алоҳида тўхталар экан, БМТнинг "Ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик, ҳамма учун ва барча жойда" деган тамойили асосида вакциналардан тенг ва адолатли

фойдаланиш имкониятини яратишга доир ёндашувини алоҳида қўллаб-қувватлади.

Шунингдек, Ўзбекистон пандемияларга қарши самарали курашда, вакцинация натижаларини халқаро миқёсда тан олиш жараёнларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мувофиқлаштирувчи ролини янада кучайтириш тарафдори эканини билдирди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ВЕЛОСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ – 6099-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, аҳоли ўртасида велоспорт турларининг оммавийлигини ошириш, улар бўйича миллий терма жамоаларимизнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё уйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йирик мусобақаларда муносиб иштирок этиши ва юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Велоспорт турларини 2021-2022 йилларда ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Дастурнинг ижроси бўйича маълумотларни Туризм ва спорт вазирлигига тақдим этсин.

Туризм ва спорт вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот чорегидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Дастур ва мазкур қарорнинг ижроси бўйича умумлаштирилган маълумотлар ҳамда тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Қуйидагилар 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин:

Тошкент шаҳар, Олмасор тумани, Мухбир кўчаси, 12-уй манзилида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириллаган Туризм ва спорт вазирлиги тизимига қирадиган Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати;

қўшимча 25 та болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда спортнинг уйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида велоспорт турлари бўйича бўлимлар;

Бухоро, Қарши, Навоий ва Термиз олимпия заҳиралари коллежларида велоспорт турлари бўйича бўлимлар.

3. Белгилансинки: Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати ўқувчиларининг умумий контингенти 100 нафарни ташкил қилади;

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати ўқувчиларига олимпия заҳиралари коллежлари ўқувчилари учун белгиланган суткалик озик-овқат нормаси татбиқ этилади;

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернатида велоспорт турлари бўйича белгиланган синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган

ўқувчилар 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 5-синфга қабул қилинади;

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати раҳбарияти, тренерлари, спортчилари ва бошқа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон ва 276-сон ҳамда 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдуҳакимов) Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда:

икки ой муддатда Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2022/2023 ўқув йилига қадар мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда олимпия заҳиралари коллежларида велоспорт турлари бўйича бўлимлар ташкил қилиниши, уларнинг тўлиқ ҳажмида зарур спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва

экипировкаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон велоспорт федерациясининг 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, барча олимпия заҳиралари коллежларида велоспорт турлари бўйича амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич ошириб бориш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус ва Фарғона филиалларида велоспорт турлари бўйича бакалаврият таълим йўналишини очиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда ушбу бандда белгиланган вазифаларни инобатга олсин.

Давоми 3-бетда

ДЎСТЛИК РИШТАСИ

Ўзбекистон — Тожикистон: КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Шу кунларда Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раиси Неъматзода Маликшо Махмадшо раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонда бўлиб турибди.

Ўзбек ва тожик халқлари азалдан дўст, қанда-қанда бўлиб яшаб келган. Тарихи ва тақдири уйкаш, тутуми, эътиқоди бир, маданияти, урф-одатлари ўхшаш халқларимиз ўртасидаги яқинлиги бугун ҳам барча жаҳондаги алоқаларда намоён бўлади.

Айни жиҳатлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида имзоланган Ҳамкорлик битимини ҳам ўз аксини топган.

Мазкур Ҳамкорлик битимини амалга ошириш юзасидан тасдиқланган кўшма чора-тадбирлар режасига мувофиқ тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 24 сентябрь куни Тожикистон мустақил касаба уюшмалари

Федерацияси раиси Неъматзода Маликшо Махмадшо раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизга келди.

Дўстона ҳамкорликнинг амалий натижаси бўлиши мазкур учрашувдан кўзланган мақсад — Ўзбекистон ва Тожикистон касаба уюшма марказлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, мамлакатимизда турли тармоқлар ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, маданий-оммавий ишлар, соғломлаштириш ва дам олишни ташкил этиш каби масалаларда ўзаро тажриба алмашишга қаратилган.

Давоми 5-бетда

САЛОМАТЛИК

"VOLKSWAGEN CADDY" ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИГА САФАРБАР ЭТИЛМОҚДА



Ҳақим Кўлдошев олган сурат.

Юртимизда тиббиётнинг энг муҳим йўналиши бўлган тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш, замонавий тиббий техника ва транспорт воситалари сонини янада ошириш, соҳа амалиётига энг сўнгги илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

"Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида "Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шовилинч чораларини кўриш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига биноан, тез тиббий ёрдам хизмати учун янги ва замонавий русумдаги тез тиббий ёрдам автомашиналарини харид қилиш белгиланган эди.

Давоми 5-бетда



Мамлакатимиз келажагига доир муҳим сиёсий жараёнда Президентликка номзод сифатида иштирок этиш фақат мен учун эмас, балки партиямиз учун ҳам катта синовдир.

Шу маънода айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг бугунгача бўлган тараққиёти натижаларини умумлаштириб ва камчиликларини бартараф этиш учун билдирган таклифларимиз асосида сайловолди дастуримизни ишлаб чиқдик. Бу дастур халқимизни ўйлантираётган ва ечимини кутаётган масалалар ўрин олгани билан ажралиб туради.

Сайловолди дастуримиз “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони”, деган бош шиоримиз билан бошланади.

Биз мамлакатимиз тараққиётига ғов бўлаётган айрим тўсиқларни бартараф этиш мақсадида яқин ва ўрта муддатли стратегик вазифаларни белгилаб олдик.

ADOLAT

SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

йўлга қўямиз. Бу мақсадда дориларнинг ягона электрон базаси тизими шакллантирилиб, дори-дармон спекуляциясига, дориларнинг нархи асоссиз оширилишига чек қўйилади!

Қишлоқда ва таълим тизимида тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарамиз. Болалар орасида кенг тарқалаётган ва уларнинг соғлом ривожланишига тўсиқ бўладиган ясситовонлик, сколиоз, тиш касалликларига биринчи ва ўта муҳим масала сифатида қараймиз.

ЕТТИНЧИ УСТУВОР Йўналиш —
аёл — муқаддас, оила — жамият асоси

Репродуктив саломатлик ва оиланинг демографик ривожланишини барқарор таъминлаш мақсадида “Соғлом оила — соғлом жамият” концептуал ғоясини амалга оширамиз.

Ижтимоий адолатни қарор топтиришда партия ўз олдига хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этишни мақсад қилиб олган.

66

**ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА
МАКРОИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИКНИ
ТАЪМИНЛАБ, ЎСИШ
СУРЪАТЛАРИНИ
ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ.
БЮДЖЕТ ҲАМДА
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ
БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАБ,
БАНК ВА СУҒУРТА
ТИЗИМЛАРИНИ ЯНАДА
МУСТАҲҚАМЛАЙМИЗ.
АДОЛАТЛИ ВА САМАРАЛИ
СОЛИҚ ҲАМДА БЮДЖЕТ
СИЁСАТИНИ АМАЛГА
ОШИРАМИЗ.**

Адолатли ва рақобатбардош тадбиркорлик фаолиятини жорий қиламиз. Монополиянинг ҳар қандай кўринишига чек қўямиз. Хусусан, “ЎзАвтоМоторс” АЖга берилган имтиёзлар ва автомобиллар импортига белгиланган божхона тўловларини ҳар йили 15 фоиздан камайтириб, очик рақобатга ўтишини, божхона тушумлари камайишини эса тўланадиган солиқлар билан қопланишини таъминлаймиз.

Декларациялар топшириш тизимини янада такомиллаштириб ҳаётга чуқурроқ интеграция қиламиз. Барча даромад олувчилар декларация топширишига қаратилган сиёсатни олиб бориш билан бирга, катта миқдордаги харажатларни ҳам декларациялаш тамойилларини жорий қиламиз.

Янги саноат сиёсатини юритамиз. Ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта бизнес улушини кескин оширамиз.

Тадбиркорларга қўний имконият ва имтиёзлар берамиз. Маҳсулот сифатини қатъий давлат назоратига оламиз, аниқ стандартлар жорий этиб, сифатсиз маҳсулот чиқариш ҳамда нарх-наволарни сунъий кўтаришга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун қучайтирилган жазо чораларини қўллаб берамиз.

“Рақамли иқтисодиётда аҳоли бандлигини таъминлаш концепцияси – 2030” дастурини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз.

Иқтисодий соҳада макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаб, ўсиш суръатларини давом эттирамиз. Бюджет ҳамда миллий валютаимиз барқарорлигини таъминлаб, банк ва суғурта тизимларини янада мустаҳкамлаймиз.

Адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга оширамиз.

Ижтимоий тенглик ўрнатиш мақсадида қимматбахо бўюмларга солиқ ва катта майдондаги ер ва кўчмас мулк учун прогрессив солиқларни жорий этамиз.

Ундирилладиган барча тўловларни (жарималар, давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий ундирувлар) тўлалигича давлат бюджетига йўналтирамиз. Барча даражадаги давлат ташкилотларининг турли махсус жамғармаларини бекор қилиб, давлат бюджетига тушишини таъминлаймиз.

ЎНИНЧИ УСТУВОР Йўналиш —
тинчликсевар, адолатли ва прогрессив
ташқи сиёсат

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштириш, узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар билан икки томонлама манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирокини янада кенгайтирамиз.

Ҳеч қандай ҳарбий блокларга ва коалицияларга қўшилмаслик, ҳарбий мақсадларни назарда тутувчи ҳаракат ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатмаслик, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамкорликка йўналтирилган сиёсат олиб борамиз.

Яқин кўшнилариимиз билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш руҳидаги алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори бўламиз.

Мақсадимиз ҳаммамиз учун азиз ва мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорлиқни сақлаш.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси эркин, адолатли, тинч ва фаровон яшашга ҳақлидир!

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
“Адолат” социал-демократик
партиясидан Ўзбекистон
Президентлигига номзод

БИРИНЧИ УСТУВОР Йўналиш —
адолатли жамият ва адолатпарвар
давлат қуриш

Депутатларнинг сайловчилар олдидagi масъулияти, ҳисобдорлигини ошириш, уларнинг фаолиятини халқ ҳаёти билан узвий боғлаш чораларини кўрамиз. Ишончли оқламаган депутатларни қақриб олишининг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқамиз.

Маҳаллий Кенгашларининг вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини ишга қабул қилиш ва озод этишдаги, уларни жавобгарликка тортиш масаласидаги, ҳудуднинг кадрлар сиёсатида таъсиридаги ваколатларини кенгайтирамиз. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига танлов асосида ишга қабул қиламиз ва ходимлар сонини мақбуллаштираамиз.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳити ва маданиятини шакллантириб, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига “Тоза кўллар” сиёсатини сингдирамиз, қонун устуворлигини таъминлаймиз.

Мансабдорларнинг ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда ер майдонлари ва барча табиий ресурсларни тақсимлашига мутлақо чек қўямиз.

ИККИНЧИ УСТУВОР Йўналиш —
адолат ва қонун устуворлиги

Биз адолатсиз жазо ва жарималарни қайта кўриб чиқамиз. Жарималар, биринчи навбатда, халқнинг реал даромадига мутаносиб бўлишини, шунингдек, жарималар ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб белгиланишини таъминлаймиз. Айрим жиноят турларига маънавий жазо чоралари қўллашнинг илгари сурамиз.

Прокуратура, адлия органлари ва суд ходимлари ўртасидаги ижтимоий тенгсизликни тугатамиз.

Ноҳақликнинг олдини олиш ва суд фаолияти сифатини ошириш мақсадида амалдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш орқали ягона юрисдикция судларини ташкил этиш жараёнини қўйи погоналарга — туман (шаҳар) даражасига туширамиз.

Барча жазолар одил судлов органлари томонидан амалга оширилади. Ҳар қандай кўринишдаги “самосуд” учун қатъий жазо белгилаймиз.

Адвокатларнинг нуфузи ва мақомини янада кўтариб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтирамиз. Бу борада амалдаги қонунлар ижроси юзасидан кучли ва самарали назорат ўрнатиб, суд жараёнида адвокатура ва прокуратура ҳуқуқлари тенглиги принципини таъминлаймиз. Судда ҳам, давлат идораларида ҳам кам таъминланган аҳоли манфаатларини ҳимоя қиладиган бепул давлат юридик ёрдами кўламини кенгайтирамиз.

Ижро билан боғлиқ барча ваколатларни ва жазони ижро этиш муассасаларини суриштирув ҳамда тергов ваколатига эга бўлмаган ҳолис орган — адлия идоралари бошқарувиغا берамиз.

Дастлабки тергов устидан назоратни кучайтириш мақсадида, мамлакатда ягона тергов органи — Тергов қўмитасини ташкил этамиз.

УЧИНЧИ УСТУВОР Йўналиш —
ижтимоий адолатни қарор топтириш

Меҳнат қонунчилиги устуворлигига эришамиз, ходимни эксплуатация қилишга қарши кескин курашамиз. Мамлакат ялпи аҳолисининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, ҳар бир инсонни бой қилиш чораларини кўрамиз. “Иш ҳақи минимуми”, “Яшаш минимуми” каби тушунчаларнинг қонуний асосларини яратамиз.

Уй-жойлар нархини кескин камайтирамиз. Ҳаммабоп ва ҳамёнбоп уйлар ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартидир. Шу маънода, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини муниципал уйлар билан таъминлаймиз.

Мамлакатимизда ҳамда чет элда ишлаётган ёлланма ва мавсумий ишчиларга кенг шароитлар яратиб берамиз, уларнинг меҳнати қадрланиши ва муҳофаза қилинишини, ишлаган меҳнатига яраша ҳақ олишини, меҳнат стажига қўшилишини ва келажақда муносиб пенсия олишини кафолатлаймиз.

Пенсиядаги юқори чекловларни бекор қиламиз ва ҳар кимнинг меҳнатига, олган маошига, ижтимоий тўловларига яраша пенсия таъминотини йўлга қўямиз.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича “Инқирозга қарши кураш – 2030” дастурини ишлаб чиқамиз.

ТўРТИНЧИ УСТУВОР Йўналиш —
таълим соҳасида адолат устуворлигини таъминлаш

Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига ҳозиргидек 3 ёшдан эмас, 2 ёшдан бошлаб, ҳеч қандай навбатларсиз, юз фоиз қамраб олиб, давлат мактабгача таълим тизимини тўлиқ бепул қиламиз.

Ўқитувчилар обрў-эътибори ва ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини ошириш мақсадида “Ўқитувчининг мақоми тўғрисида” қонун ишлаб чиқамиз.

Умумтаълим мактаблари учун дарсликларнинг янги, замонавий авлодини яратиш учун Дарсликлар бўйича илмий-тадқиқот институтини ташкил қиламиз.

Кам таъминланган иқтидорли ёшларнинг давлат ҳисобидан олий таълим олишини кафолатлаймиз. Жамиятдаги ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир инсонга олий маълумот олиш имкониятини яратамиз.

Биз олий таълим квоталарини бутунлай йўқ қиламиз ва ҳар кимга олий таълим олиш ҳуқуқи эркинлигини ҳамда рейтингли юқори бўлган талабаларнинг бепул олий таълим олишини кафолатлаймиз. Олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, сиртки, кечки ва масофавий таълим шаклини янада кенг жорий этиш чоралари кўрилади.

Олий таълим тизимида рейтинг амалиётини киритамиз ва йил якунлари бўйича энг юқори рейтингга эга бўлган талабаларни грант асосида, рейтингни паст бўла туриб грантда ўқийдиган талабаларни контракт асосида ўқиш учун рўйхатларни қайта кўриб чиқиш тартибини ўрнатамиз.

Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларини ягона — Таълим вазирлигига айлантирамиз.

БЕШИНЧИ УСТУВОР Йўналиш —
илм-фан — адолат ва тараққиёт омил

Таълим ва илм-фан билан шугулланувчиларга бепул уй-жой таклиф қиламиз. Илм-фанни молиялаштиришга сарфланадиган маблағни сезиларли ошириб, давлат бюджетидан молиялаштиришни босқичма-босқич таъминлаймиз.

Олимларни, ихтирочиларни қўллаб-қувватлаймиз, рағбатлантирамиз, уларга зарур шароитларни яратамиз. Иқтисодиётнинг ҳақиқий локомитиви бўлган инженер, технолог, агроном-механизатор каби мутахассислар сонини кўпайтирамиз ва малакасини оширамиз.

Мамлакатда “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – 2030” концепциясини ва манзилли дастурни ишлаб чиқамиз.

66

БИЗ ОЛИЙ ТАЪЛИМ КВОТАЛАРИНИ БУТУНЛАЙ ЙўҚ ҚИЛАМИЗ
ВА ҲАР КИМГА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ ЭРКИНЛИГИНИ
ҲАМДА РЕЙТИНГИ ЮҚОРИ БўЛГАН ТАЛАБАЛАРНИНГ
БЕПУЛ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШНИ КАФОЛАТЛАЙМИЗ. ОЛИЙ
МАЪЛУМОТЛИЛАР СОНИ БўЙИЧА МАМЛАКАТ ДАРАЖАСИНИ
КўТАРИШ МАҚСАДИДА ОЛИЙ ўқув ЮРТЛАРИГА КИРИШ
КВОТАЛАРИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИРИБ БОРИШ,
СИРТҚИ, КЕЧКИ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛИНИ ЯНАДА
КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ КўРИЛАДИ.

турлар ишлаб чиқамиз. Бунда алоҳида эътибор Картажена протоколининг амалга оширилиши, ген муҳандислик усуллари ёрдамида ўзгартirilган организм маҳсулотларини яратиш ва фойдаланиш тамойилларига қаратилади.

ОЛТИНЧИ УСТУВОР Йўналиш —
аҳоли саломатлиги

Аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш механизмини қўллаб-қувватлаш технология ва даволаш усулларида кенг фойдаланамиз.

“Ақли тиббиёт” тизимини шакллантириб, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича “Миллий дастур” қабул қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси лойиҳасини янада такомиллаштириб, аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишини таъминлаймиз.

“Тиббиёт ходими” мақомини белгилаймиз, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ва турли таъйинларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд ҳуқуқий базани янада такомиллаштирамиз.

Репродуктив саломатлик масаласи, онкология, сил, қанд касалликларининг олдини олиш ва тўлиқ давлат ҳисобидан даволаш алоҳида диққат-эътиборимизда бўлади.

Давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати қайта шакллантирилиб, улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш тизимини босқичма-босқич

одоб-ахлоқ қоидаларини яратиш ва жорий этишни илгари суради.

Ўзбекистонда адолатли жамият ва адолатпарвар давлат барпо этиш жараёнлари, бунёдкор халқимиз ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш, халқимиз, ёшларимизнинг руҳий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли бузғунчи кучлар, маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишда маънавий хавфсизликни таъминлашнинг қонуний асосларини яратамиз.

ТўҚҚИЗИНЧИ УСТУВОР Йўналиш —
самарали иқтисодиёт — тараққиёт омил

Рақобатни кучайтириш орқали монополияга барҳам берамиз. Буюртимчи ва етказиб берувчи ўртасида тузиладиган шартномани ҳуқуқий воситага айлантирамиз ва бу жараёнга ҳокимият аралашувига чек қўямиз. Ҳар қандай низо суд қарори билан ечим топади.

Биз бозорни бошқариш, тартибга солиб туриш зарур, деб биламиз ҳамда “рақобат — мумкин қадар, давлат бошқаруви — зарурат қадар” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш тарафдоримиз.

Аҳолининг катта қисми яшаётган қишлоқ ҳаётини тубдан янгилаймиз, куз-қиш мавсумида ҳар бир қишлоқда узлуксиз ва эҳтиёжчи тўлиқ таъминлайдиган даражада табиий газ ва электр энергияси етказадиган тизимини жорий қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ВЕЛОСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

 Бошланиши 1-бетда

5. Ўзбекистон велоспорт федерацияси ҳузурида **Ўзбекистон профессионал велосипедчилар спорт клуби** (кейинги ўринларда – Клуб) ташкил қилинсин.

Белгилансинки:

а) қуйидагилар Клубнинг **асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари** ҳисобланади: **велоспортнинг барча турлари** бўйича нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиш орқали Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Парасиё ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни **қўлга киритиш**;

республика барча ҳудудларида **велоспорт турларини жадал ривожлантириш** бўйича барча зарур чораларни кўриш;

велоспорт турлари бўйича **хусусий клубларни халқаро мусобақаларда иштирок этишга жалб қилиш**, уларга ташкилий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

халқаро мусобақалар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали умумжаҳон **“Nation Brands” халқаро рейтингда “Uzbekistan” миллий брендининг рейтинг поғоналаридаги ўрнини юқори кўтаришда** иштирок этиш;

б) қуйидагилар Клуб **фаолиятини молиялаштириш манбалари** ҳисобланади:

Давлат бюджетидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармиси маблағлари;

хўжалик фаолиятини амалга оширишдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари; халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

в) Марказий банкнинг рухсати билан Клубга **чет элдаги ваколатхоналари учун банк ҳисоб-рақамлариغا эга бўлишига** рухсат берилadi;

г) Клубнинг чет элдаги ваколатхоналари банк ҳисобрақамларининг юритилишига оид қуйидагича тартиб белгиланади:

чет элдаги ваколатхоналар билан ҳисоб-китоблар хорижий давлатларнинг миллий валютасида ва эркин конвертация қилинадиган валютада амалга оширилади;

хизмат кўрсатувчи тижорат банки Клуб талабномасида кўрсатилган миқдордаги эркин валюта маблағларининг унинг чет элдаги ваколатхоналари ҳисобрақамлариغا ўтказилишини таъминлайди;

Клубнинг чет элдаги ваколатхоналари томонидан амалга ошириладиган сарф-харажатлар Клуб томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида юритилади;

д) Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон велоспорт федерацияси талабномасига мувофиқ, Европа, Осиё давлатларида ҳамда бошқа хорижий давлатларда Клубнинг алоҳида бўлимларини очиш билан боғлиқ, шунингдек, уни қайта рўйхатдан ўтказиш масалаларида Ўзбекистон велоспорт федерациясига амалий ва ташкилий ёрдам кўрсатади.

Туризм ва спорт вазирлиги Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда Клуб фаолиятини тўлиқ ва самарали йўлга қўйсин, велоспорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзоларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишларини таъминласин, Клубнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун уни белгиланган тартибда инвентарлар, спорт кийимлари, озуқа ва озуқа қўшимчалари, витаминлар, усуналар, материаллар, зарур тиббий воситалар билан таъминласин.

6. Велоспортни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) **ташкил қилинсин** ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Куйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иктидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал велоспортчилар сифатида тайёрлаш ишларини самарали ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш; ҳудудларда велоспорт инфратузилмасини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича инвестиция ва грант маблағларини жалб қилиш, бошқа зарур чора-тадбирларни белгилаш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш;

велоспорт турларини таълим муассасалари, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш, аҳолининг ушбу спорт турига қизиқишини оширишга қўмаклашиш;

велоспорт турлари бўйича мусобақалар ва веломарафонларни ўтказишга қўмаклашиш, ушбу йўналишда халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайрияларини жалб қилиш;

велосипед ҳаракатини ривожлантириш мақсадида иқтисодий-иқтисодий шароитларни яхшилашга ҳамда юқори спорт натижаларига эришишни таъминлашга қаратилган янги қонунчилик ташаббусларини илгари суриш ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта қўриб чиқиш.

7. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 апрель куни қабул қилинган махсус резолюциясига мувофиқ **3 июнь Бутунжаҳон велосипед куни** этиб эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **ҳар йили 3 июнь куни** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳолининг турли қатламларини жалб қилиш орқали узунлиги 15-20 километрдан кам бўлмаган **веломарафонлар ташкил қилинади**.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризм ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон велоспорт федерацияси ҳар йили 1 майга қадар **веломарафонларни** ташкил қилиш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **дастурларни ишлаб чиқсин** ва уларда қуйидагиларни назарда тутсин:

веломарафонларни ўтказишнинг аниқ **жойлари ва маршрутларини** белгилаш; веломарафонларни ўтказиш жойларида **велосипедларни иҳарага олиш (байкшеринг)** имкониятларини яратиш; веломарафонлар ўтказишнинг жойлари ва маршрутлари бўйлаб **йўл хавфсизлигини** таъминлаш;

фуқаролар, шу жумладан, транспорт воситалари ҳайдовчиларини веломарафонлар ўтказиш **жойлари ва маршрутлари** тўғрисида олдиндан хабардор қилиш, **транспорт тирбандликларининг** олдини олиш;

веломарафонлар ғолиблари ва совриндорларини **қимматбаҳо совғалар** билан тақдирлаш; веломарафонларда муваффақиятли қатнашган **иштирокчиларни профессионал велоспортга жалб қилиш**, уларни спорт-таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш;

оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда **веломарафонларни кенг ёритиш**;

велосипедни **оддий, қиммат бўлмаган, ишончли, экологик тоза ва мақбул транспорт турли** сифатида кенг тарғиб қилиш;

3 июнь — Бутунжаҳон велосипед куни тўғрисида ахборотни тарқатишга қўмаклашиш.

8. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон велоспорт федерациясининг 2022 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

велоспортнинг **шоссе (Road)** ва **тоғ (MTB)** турлари бўйича **Тошкент** вилоятида **“Oqtoish-Chorvoq-Mountain”**, **Қорақалпоғистон** Республикаси ва **Самарқанд** вилоятида **“Save-Aral”** кўп кунлик халқаро велопоийгаларини; велоспортнинг **трек (Track)** тури бўйича Тошкент шаҳрида **“Silk-Road Tashkent”**, Наманган

шаҳрида **“Silk-Road Namangan”** кўп кунлик халқаро велопоийгаларини;

велоспортнинг **мотокросс (BMX Racing)** тури бўйича **Жиззах** вилоятида **“Zaamin-Cup”** халқаро велопоийгасини;

велоспортнинг **фристайл (BMX Freestyle)** тури бўйича **Тошкент** шаҳрида **“Tashkent-Grand Prix”** халқаро мусобақасини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.Абдуҳақимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган велопоийгалар ва халқаро мусобақага пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **“йўл хариталари”ни тасдиқласин**. Бунда, велопоийгалар ва халқаро мусобақани ўтказиш билан боғлиқ молиявий харажатларни қоплаш манбалари этиб ҳомийлик, маҳаллий бюджет ва бошқа маблағлар белгиланади;

велопоийгалар ва халқаро мусобақада маҳаллий спортчилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган кучли халқаро спортчи, тренер ва ҳакамларнинг иштирокини таъминласин;

2022 йил 1 январдан бошлаб республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига велоспорт турлари бўйича мусобақалар ва турнирларнинг киритилишини таъминласин ҳамда уларни юқори даражада ўтказиш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Ж.Қўчқоров) Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдуҳақимов) ҳамда Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда қуйидагиларнинг **2022 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин**.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида велоспортнинг **шоссе (Road)** тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган **велощоссе спорт мажмуасини қуриш**. Бунда, мажмуа халқаро стандартларга жавоб берадиган 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, тренажёр зали, тиббий пункт, велосипед таъмирлаш устaxonаси, велосипедларни сақлаш хонаси, кийиниш ва ювиниш хоналари ва бошқа зарур инфратузилма объектларидан иборат бўлади, улар зарур замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланади;

Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ҳудудида велоспортнинг **трек (Track)** тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган **ёпиқ турдаги велотрек спорт иншоотини қуриш**. Бунда, иншоот халқаро стандартларга жавоб берадиган 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, тренажёр зали, тиббий пункт, велосипед таъмирлаш устaxonаси, велосипедларни сақлаш хонаси, кийиниш ва ювиниш хоналари ва бошқа зарур инфратузилма объектларидан иборат бўлади, улар зарур замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланади;

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мухбир кўчаси, 12-уй манзилида **Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати ва Ўзбекистон велоспорт федерацияси маъмурияти биносини барпо этиш**. Бунда, мактаб-интернат халқаро стандартларга жавоб берадиган 100 ўринли ётоқхона, 100 ўринли ошхона, 100 ўринли ўқув ётоқхонадан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда велоспорт бўйича нуфузли халқаро профессионал ва ҳаваскорлар ўртасида спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш мақсадида тегишли манзил ва участкадаги автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича Ўзбекистон велоспорт федерациясининг сўровномалари инobatга олинсин.

Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) мазкур бандда кўрсатилган спорт объектларини **инновацион технологияларга асосланган, қиммат бўлмаган, энергия тежовчи ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни** таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Д.Хидоятлов) Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси билан келишган ҳолда **жорий йил якунига қадар** велоспортнинг шоссе (Road) тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган велощоссе спорт иншоотини қуриш учун Тошкент вилояти **Бўстонлиқ тумани** ҳудудидан 0,5 га ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш чораларини кўрсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов) Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** велоспортнинг **трек (Track)** тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган ёпиқ турдаги велотрек спорт иншоотини қуриш учун Самарқанд вилояти, **Самарқанд тумани** ҳудудида тегишли ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш чораларини кўрсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда:

маҳаллий бюджетлар даромадларининг ортириб бажарилган қисми ҳисобидан Ўзбекистон велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлимлари учун **ҳар йили 40 донадан велосипед ажратсин**, шунингдек, велосипедчиларнинг харакат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **2 тадан “Дамас” русумли автотранспорт воситаси** билан таъминласин;

Ўзбекистон велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлималари тўлақонли фаолият юритиши учун зарур чораларни кўрсин, шу жумладан, уларнинг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қўмаклашсин;

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва велоспортни оммалаштириш мақсадида туман (шаҳар) ва вилоят миқёсида **ҳаваскорлар ўртасида велопоийгаларни мунтазам ташкил қилсин** ва ушбу мақсадлар учун тегишли **маҳаллий бюджетлардан маблағ йўналтирсин**;

ҳар бир ҳудудда ҳаваскор ва профессионал спортчилардан иборат бўлган велоспорт турлари бўйича **хусусий клубларни ташкил қилсин**.

11. Молия вазирлиги (Т.Ишметов):

а) мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни 2022 йилдан Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин;

б) **2021 йилдан бошлаб** Ўзбекистон велоспорт федерацияси томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ, тузилган шартномалар бўйича олинган мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда Клуб фаолиятини сақлаш, унинг моддий-техника базасини шакллантириш билан боғлиқ зарур маблағларни ҳар йили Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Давлат бюджетидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан:

2021 йил 1 октябрга қадар — **10 миллиард сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 сентябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

2022 йилдан бошлаб — ҳар йили зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

12. Спорт-таълим муассасалари, олий таълим муассасаларининг велоспорт турлари бўйича бўлимлар ва Клубнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси, озуқа ва озуқа қўшимчалари, витаминлар, ускуналар ва материаллар, велосипедларни ташишга мўлжалланган янги ва ишлаб чиқарилганлигига етии йил тўлмаган махсус автотранспорт воситалари ва тиркамалар **2024 йил 1 сентябрга қадар божхона божидан озод этилсин**.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “UzReport” ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид телерадиодастурлар, спортчиларнинг профессионал фаолияти ҳақида махсус кўрсатувлар, мақолалар ва видеороликлар тайёрласин, ўтказиладиган брифинг ва пресс-конференцияларни ёритиб борсин.

Кинематография агентлиги ёшларнинг велоспортга кириб келишидан бошлаб уларнинг юқори натижаларга эришиш йўли, нуфузли мусобақалардаги иштироки ва бугунги кундаги ҳаёти тўғрисида **қисқа метражли видеофильмлар тайёрланишини** таъминласин.

14. Миллий антидопинг агентлиги (Н.Турсунов) **бир ой муддатда** велоспорт бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи дастурни тасдиқласин ва уни амалга ошириш чораларини кўрсин:

спортчилар ва тренерларни **“шаффоф спорт”**га тарғиб қилиш;

саломатликни муҳофаза қилиш ва спортда фармакологик таъсирга эга дори препаратлари ва бошқа моддалардан тўғри фойдаланиш бора-сида спортчилар, тренерларнинг маданияти ва саводхонлигини ошириш тадбирларини ўтказиш; спортчиларни антидопинг мавзуларига оид тегишли ўқув-ахборот материаллари ва турли **кўргазмали маълумотлар билан таъминлаш**;

спортчилар томонидан антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиниши устидан **самарали антидопинг назоратини амалга ошириш**.

15. Туризм ва спорт вазирлиги 2021 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон велоспорт федерациясини Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-а уй манзилида жойлашган бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш чораларини кўрсин.

16. Туризм ва спорт вазирлиги **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазири ўринбосари **А.Қ.Каримов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси **Р.М.Шаабдуррахманов**, Ўзбекистон велоспорт федерацияси раҳбарияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **А.А.Абдуҳақимов** ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси **А.А.Абдувахитов** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **ҳар йили 1 январ**гача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

МУНОСАБАТ



Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалик КМК” АЖ бошқаруви раиси, Олий Мажлис сенати аъзоси

 Бошланиши 1-бетда

Пандемиялар даврида давлатларнинг иختирий мажбуриятлари тўғрисидаги Кодекснинг Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан ишлаб чиқилгани ҳамда Бош Ассамблеянинг

расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани барчамизни ғурурлантиради.

Сессияда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ортага қайтмас тус олгани, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш демократик тамойиллар асосини ташкил этаётгани, шунингдек, Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига аъзо этиб сайлангани эътироф этилди.

Бош Ассамблея минбарида пандемиядан кейинги даврга ҳаҳон иқтисодийетини қайта тиклаш муаммоларини ўрганиш, камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган Халқаро конференцияни Тошкентда ўтказиш таклиф этилди.

Маълумки, Ўзбекистон шу кунга қадар бир қатор халқаро нуфузли кон-

ференцияларга мезбонлик қилди ва бу тадбирлар халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланди.

Ушбу йўналишдаги қатъий саяй-харажатларни изчил давом эттириш мақсадида Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари мулоқотлари доирасида Глобал таълим форумини ташкил этиш таклифи ҳам илгари сурилди.

Марказий Осиёни фаровон ва барқарор ривожланаётган, ишонч ва дўстлик маконига айлантириш Ўзбекистоннинг доимо бош мақсади бўлиб келган. Марузада Жанубий ва Марказий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи ҳам билдирилди.

Афғонистон Марказий Осиёнинг узвий қисми бўлиб, бу давлатда тинчлик ва осийишталик ўрнатилишдан нафа-



қат мамлакатимиз ва қўшни давлатлар, балки бутун дунё манфаатдордир. Шу сабаб ҳам Ўзбекистон афғон халқига ҳаммаша ўз ёрдамини аямайди.

Ўзбекистон Президенти ўзбек-афғон чегарасини очиб, ушбу мамлакатга бирламчи зарур бўлган озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари ва электр энергияси

етказиб берилаётгани, ҳозирги муракаб шароитда Афғонистонни яқкалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмаслигига алоҳида тўхталди.


Дарҳақиқат, таъкидланганидек, Афғонистон масаласида БМТнинг таъсири ва овози ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ янграши лозим. Дунёда хавф-хатар ва зиддиятлар, трансмиллий таҳдидлар тобора ортиб бораётгани халқаро ҳамкорлигини янада кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Шу йил ноябрь ойида Тошкентда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегияси Марказий Осиё учун режасининг ўн илпик натижалари ва истиқболларига бағишланган Халқаро конференция ўтказилиши ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришларига қарши кураш, атроф-муҳит ва биохимия-хилликни муҳофаза қилиш масалалари-

га жиддий эътибор қаратиб келаётир. Шу маънода, сессияда бу нафақат бугунги, балки келажак авлодлар олдидаги эзгу инсоний бурчимиз экани таъкидланди. Ва шу йил май ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилингани учун миннатдорлик билдирилди.

Бош Ассамблея сессиясида Ўзбекистон дунёнинг барча давлатлари ва глобал ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, узоқ муддатли ва кўпқиррали шерикликини ривожлантиришга доимо тайёр экани айтилиб, хавфсиз ҳамда бар



1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ЭНГ МУҲИМ ЭҲТИЁЖ

ёхуд мамлакатни ва инсонни истикболли келажакка тайёрловчи восита

Шуҳрат САТТОРОВ,
Халқ таълими вазирлиги қошидаги
Республика таълим маркази директори

Таълим — билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, айниқса, келажак авлодни катта ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. 2016 йилги Жаҳон иқтисодий форумида таълимнинг мамлакатлар салоҳиятини кўтаришдаги 3 та муҳим ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Яъни, биринчидан, яхши таълим ишчи кучининг вазифаларни тез ва самарали бажариш қобилиятини оширади. Иккинчидан, мактаб таълими ва олий таълим инсонларга бошқалар яратган янги маҳсулот ва технологиялар, қўлайликларни тезкор ўзлаштириш, уларга оид янги билимларни тезкор алмашишни осонлаштиради. Учинчидан ва энг муҳими, таълим инсонлардаги ижодкорликни ошириш орқали мамлакатнинг инновацияларни илгари суриш қобилиятини юксалтиради. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мамлакатларни ва инсонларни порлоқ келажакка тайёрлайдиган энг яхши восита — таълим.

Ислохотлар шиддати мени ўзига чорлади

Мен 2020 йилнинг январь ойида Жанубий Кореянинг ётақи учта олий таълим муассасаларидан бири бўлган Ёнсеи университетини тамомладим. Қаршимда дунё эшиклари очиб турган бир маҳалда, мени Ўзбекистондаги ислохотлар шиддати ўзига чорлади. Жорий йил эълон қилинган Жаҳон иқтисодий кўрсаткичларига кўра, дуненинг қудратли иқтисодиётига эга 10 та мамлакат қаторида турувчи Корея Республикаси тараққиётда таълим қанчалар муҳим роль ўйнаганини билганим учун ҳам, Ўзбекистонга қайтиб таълим соҳасида ишлашга қарор қилдим.

1953 йилги ҳисоботларга кўра, урушдан эндигина чиққан Корея жаҳондаги энг камбағал давлат бўлган. Халқаро экспертлар катта минбарлардан туриб вайронгага айланган Жанубий Кореядаги аҳолини яхшилаш учун юз йиллар ҳам камлик қилишини очикчасига эълон қилган. Бироқ йўқчилик ва уруш миллилатни уйғотди. Таълим бу ўзгаришларни янада жадаллаштириб юборди. Кореяликлар фарзандларини таълим олишдан чапғитадиган ҳар қандай юмушлардан озод қилди.

Минглаб ёшлар илм олиш истагида илгор давлатларга жўнаб кетди. Натижада, 1970 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодиёти ўсиб борди. 1971 йилда мамлакатнинг экспорт салоҳияти 1 миллиард доллардан ошиб кетди. Халқаро экспертлар бу ҳайратомуз ривожланишга "Ҳан дарёсидаги мўъжиза" ёки "Корея мўъжизаси" деб атайди. Мендан кўпчанча Жанубий Кореядан нега қайтганимни сўрашади. Имониятлари чекланган бу давлат қисқа вақтда оёққа турди. Бу ҳодиса мени ҳайратлантиради ва кўнглимда ишонч ҳиссини уйғотди. Кореяликлар урдақашдими, биз ҳам урдақашдими, деган исхон мени ортга қайтарган. Бунинг учун эса, муносиб таълимни йўлга қўйишимиз керак ва барча саъй-ҳаракатларимиз айна пайтда шу мақсадга қаратилган.

Миллий ўқув дастури — мазмун ва методикани янгилаш эҳтиёжи

2020 йил январь ойида Халқ таълими вазирлигининг таълим мазмунига масъул Республика таълим марказида фаолият бошланди. Бу пайтга келиб бошланғич синфларда давлат таълим стандартлари ўрнига, илгор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган "Миллий ўқув дастури"ни яратиш, шу стандарт ва дастур асосида янги авлод дарсликларини тайёрлаш" режиси ҳукумат миқёсида куриб чиқилаётган эди.

Республика таълим марказида иш бошлаган ишчи гуруҳлари Буюк Британия, АҚШ, Финляндия, Россия давлатлари экспертлари иштирокидаги қизгин жараёнлар таълим стандартлари ёки ўқувчи фаолияти натижаларига қўйилмайдиган талабни ишлаб чиқишдан бошланди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш динамикаси, меҳнат

бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳар бир фан учун синфлар кесимида стандартлар тайёрлашга киришилди. Ўқув дастурларидаги назарий қисмлар қисқартирилиб, амалий соатлар ҳажми умумий дастурда 20 фоиздан 50 фоизга оширилди. Ўқувчи ёшидан, халқаро тажрибалар, психологик ва санитария нормаларидан келиб чиқиб, ҳафталик нормативлар синфлар кесимида қайта тақсимланди. Босқичма-босқич ўқув юклама соатлари қисқартирилди. Янги миллий ўқув дастурида барча синфлар кесимидаги ҳафталик юклама 314 соат этиб белгиланди (2019 йилда — 339).

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тақомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишларда мактабда ўқитиш методикаси ўзгarmаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгarmаслиги таъкидланди. XXI асрда ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида ўқитиш методикаси оммалашаётгани ҳисобга олиниб, вариатив ўқув режалар асосида ўқитиш тизими жорий қилинди. Бу эса, ўқувчи ўзининг истаклари ва қобилиятларини инobatга олиб, фанларни танлаб ўқиш, келажак режалари асосида муайян фанлардан имтиҳонларга тайёргарлик кўриш имконини берди.

Шу вақтга қадар фанлар бир-биридан айро ўқитилгани туфайли одамлар борлиқни яхлит тасаввур қила олмас эди. Мамлакатимизга замонавий ўқитиш методикасининг энг илгор ютуғи



қилиб келди. Фанлараро интеграция кучайтирилиб, фан ва мавзуларни ўқитишда мантикий фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга асосланган спиральсимон ўқитиш методикаси жорий қилинмоқда (амалда чизикли ўқитиш, ёд олиш методикаси). Спиральсимон ўқитиш методикаси — мавзуларни ҳар бир синфда соддадан мураккабга қараб ўқитиш, ўқувчиларда бориқни яхлит тасаввур ва тадқиқ қилиш орқали ўрганишни таъминловчи интеграцион ёндашув.

Фанларнинг бир-бирини тўлдириб ўқитилиши мактабларимизга STEM ёндашувининг кириб келишига замин



яратади. Натижада, ўқувчиларда эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини кўндалик ҳаёт билан боғлиқлигини кўрсатишда дарс ва синфдан ташқари машғулотларда ўқув тадқиқотларини ўтказиш, тажрибаларни бажариш, лойиҳалаштиришга йўналтирилган ижодкорлигини тарбиялаш, янгиликлар яратишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш имкони пайдо бўлади.



Дарсликлар соҳасидаги бундай тўб ўзгаришлар бундан 17 йил аввал амалга оширилган. Аммо у дарсликлардаги контент асосан собиқ иттифок давридаги ўқув адабиётларидан кўчирилган. Иллар давомида дарсликлар соҳасида муаллифлар мактаби шаклланмаган. Дарсликлар ўқувчининг руҳий, жисмоний ўзгаришларини ҳисобга олмай ёзилган, асари ўқувчилар учун зерикар бўлган.

168 номдаги дарслик ва ўқитувчи китоблари

Миллий ўқув дастурининг илк меваси сифатида Республика таълим маркази томонидан 2021-2022 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1- ва 2-синфлари учун 168 номдаги дарслик, машқ дафтери ва ўқитувчи китоблари тайёрланди. Дарсликлари янгиланаётган 11 та фан бўйича ўтказилган тажриба-синовга 40 нафар экспериментатор ўқитувчи ва 937 нафар ўқувчи жалб қилинди. Янги дарсликлари амалиётга жорий этувчи педагог кадрлар учун жорий йилнинг 28-30 июнь кунлари 24 соатга мўлжалланган 3 кунлик мақсадли ўқув-семинар ўтказилди. Мазкур семинарда республиканинг барча ҳудудларидаги малака ошириш марказлари ва методистлардан иборат 84 нафар тренерлар жалб этилди.

Шунингдек, фанлар мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, мобиль иловалар ишлаб чиқилди. Дарсликлар бўйича ҳам, энгиз ҳам катталашиб, дизайни тубдан янгиланди. Замонавий ва халқаро талабларга мос равишда чоп этилиши, ранг-баранглик, ёрқин ранглар

ўқувчининг диққатини жалб қилмоқда. Мазмун учун эса бутунлай янгича ёндашувлар танланди.

Ўқувчиларни нутқий вазиятларга тайёрлаймиз

Миллий ўқув дастури билан мақсади бир бўлса-да, номи бошқа-бошқа ва алоҳида ўқитиладиган фанлар бир-лаштирилмоқда. Жумладан, она тили ва ўқиш фанлари. Бу иккала фан бирлашиб, ўқувчида 4 та лисоний кўникмани шакллантириш методикаси асосига қурилди. Она тилидан тайёрланган Миллий ўқув дастури ўқувчиларда ўқиш, ёзиш, фикрини эркин ифодалаш ҳамда тинглаб тушуниш каби муҳим кўникмаларни шакллантириш бора-барига, уларни ҳаётда дуч келадиган нутқий вазиятларга ҳам тайёрлайди. Хусусан, тақлиф этилаётган янги малака талабларига кўра, ўқувчи ёшидан келиб чиқиб, тарихий, ижтимоий, илм-фан ва техникавий мавзуларда эркин сўзлаша олиши, бу мавзуларда матнларни ўқиб тушуниши ва туза олиши зарур. Бу уларга ҳаётда дуч келадиган вазиятлар, касбларни эгаллаш учун зарур саводхонлик кўникмалари ва тушунчаларни мактабдаёқ эгаллаш ва кейинчалик самарали фойдаланиш имконини беради.

Шуларни ҳисобга олиб, сентябрь ойдан бошлаб мактабларга кириб борган математика дарсликлари фан орқали мантикий тафаккурни ривожлантириши билан аввалги — ҳисоб-ки-тоб, арифметик амалларга катта ўрин берилган дарсликлардан фарқ қилади. Қизиқarli топшириқ ҳамда машқлар энди ўқувчида "қўшиш-айириш" кўникмаси билан бирга, ижодий ва танқидий фикрлаш, асос бера олиш қобилиятларини ўстиради, муаммоларга ечим топишда топқирлик ва ижодкорлиқни қўллаб олиш салоҳиятини оширади. Бундай кўникмалар эса ўқувчи ҳаётий вазиятларда муваффақият қозонишига кўмаклашади. Математикани болалигидан севиб ўқиш, уни яхши ўзлаштириш инсон ҳаётига ижобий таъсир қилидиган омилдир. Бу ҳодиса содир бўлиши учун эса математика тўғри усулда — ҳаётийлаштириб ўргатилиши зарур.

Дунёни табиий фанлар орқали яхлит тасаввур қиламиз

Фанларнинг интеграциялашуви ортдан таълим тизимига яна бир халқаро тажрибани жорий қилиш имкони пайдо бўлди — бу йилдан мактабларимизда Табиий фанлар (Science) ўқитила бошланди. Янги фан дастури ва дарслиги Cambridgе университети нашриёти муаллифларидан бўлган Филиппа Гардом хоним бошчилигида тайёрланди. Табиатшунослик, атрофимиздаги олам каби фанларда табиат ҳақида умумий тушунча берилса ҳам, улар ўқувчиларни кейинчалик ўқитиладиган физика, кимё, география, биология каби фанларга тайёрламаган. Бойси дастурда ҳам, дарсликда ҳам катта тафовут мавжуд эди. Натижада, ўқувчи юқори синфга келганда бу фанларни ўзлаштиришда муаммоларга дуч келган.

Болалар табиатан қизиқувчан, бирор нима яратишга мойил бўлади. Табиий фанлар орқали ўқувчида тадқиқотчилик, янгиликка интилиш, табиатни ҳимоя қилиш кўникмалари шаклланади.

Эҳтиёж ва талаб

"Биз ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаймиз" шiori Финляндиядаги ҳар бир мактаб директорининг хонасида осиглиқ туради. Болаларни мактаб орқали ҳаётга тайёрлаш — уларга ўрганганларини ҳаётга таъбиқ этишига ёрдам бериш дегани. Олдимизда ёд олишга йўналтирилган таълимдан воз кечиб, ўқувчида кўникма шакллантирувчи таълим тизимига ўтиш эҳтиёжи ва талаби турибди. Бугунги таълим билиш ва ўрганганларини қила олиш кўникмаларини ривожлантириши билан ўзига ҳосдир.

Республика таълим маркази томонидан Халқ таълими тизимида жорий қилинаётган Миллий ўқув дастури 4 муҳим кўникма — коммуникативлик, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий-эмоционал ва фаол фуқаролик каби кўникмаларни ривожлантириш асосига қурилган.

Халқаро ҳамкорлик ва энг яхши тажрибалар

Таълимни хорижда ўзини оқлаган тажрибалар орқали ривожлантириш амалиёти ҳам тизимни янгилашда қўл келмоқда. АҚШнинг USAID таъликлоти ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Баркамоллик учун таълим" дастури доирасида бу йил Ўзбекистон таълими тарихида илк маротаба таниқли Кеб-риж университети нашриётининг икки та дарслиги — 1- ва 11- синфлар учун инглиз тили, 5- ва 11- синфлар учун информатика дарсликлари тайёрланди. Айна пайтда дарсликлар Сирдарё ва Наманган вилоятларида тажриба-синовидан ўтказилмоқда. Уларни кейинги ўқув йилидан мамлакатимиздаги барча

Ўқув дастурларидаги назарий соатлар қисқартирилиб, амалий соатлар ҳажми умумий дастурда 20 фоиздан 50 фоизга оширилди. Ўқувчи ёшидан, халқаро тажрибалар, психологик ва санитария нормаларидан келиб чиқиб ҳафталик нормативлар синфлар кесимида қайта кўриб чиқилиб, босқичма-босқич ўқув юклама соатлари қисқартирилди. Янги миллий ўқув дастурида барча синфлар кесимидаги ҳафталик юклама 314 соат этиб белгиланди (2019 йилда — 339).

умумтаълим мактабларида жорий қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистонда рус тилида ўқитиш сифатини оширишга қаратилган "Зур!" лойиҳаси доирасида Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети экспертлари иштирокида 2-синф рус тили дарслиги илк маротаба "Рус тили хорижий тил сифатида" методикаси асосида тайёрланиб, мактабларга тарқатилди. Мазкур туркумга мос дарсликлар 11-синфга қадар таъбиқ этилади.

Дарслик ёзиш жараёнида халқаро экспертлар жалб қилиниши тажрибада илк бор қўлланилаётган тарихий жараёндир. Республика таълим марказида дарсликларни яратиш бўйича таъбиқ этилган ишчи гуруҳлар халқаро экспертлар билан фанлар бўйича ўқув дастури ва дарсликларни тайёрлашда ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ўқитувчи ва ўқитувчилик ҳақида

Жанубий Кореяда қадимдан жамиятнинг уч аъзоси юқори даражали тенг ҳурматга лойиқ кўриб келинган. Булар — мамлакат раҳбари, ота-она ҳамда ўқитувчи. "Сабоб бермоқлик инсон тақдирига дахлдор олижаноб касб. Мени кун келиб президент эмас, ўқитувчи деб ёдга олсалар, ана шунинг эди мен учун улкан шарафдир", деган эди Хундистон президентларидан бири Доктор Абдул Қадам. "Агар шогирд шайхулислом, агар қозидур, агар устоз рози — Тангри розидур", деб ёзган Алишер Навоий ҳазратлари.

Бугун таълимдаги ислохотларнинг энг муҳим иштироки — ўқитувчи. Қилишимиз керак бўлган яна бир муҳим вазифа — ўқитувчини доскадаги маърузачидан ўқувчини йўналтириб турувчи фасилитаторга айлантиришимиз керак. Яъни, бугунги кун ҳаётида маъруза методидан воз кечиб, лойиҳа ишлари, жамоавий ва тадқиқотлар орқали кўпроқ ўқувчининг мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлаш керак. Шундагина ўқувчида келажакда меҳнат бозорига ёки ҳаётда зарур кўникмалар бўйи кўрсатади. Тадқиқотларга кўра, академик жиҳатдан мустақил ўқитувчи ўз фикрига эга, меҳнат бозорига, жамиятга ўрнини топадиган ўқувчиларни тарбиялайди.

Хулоса ўрнида ...

Яқин-яқингача энг муҳим 4 эҳтиёж сифатида соғлиқ, озик-овқат, уй-жой, кийим-кечак эътироф этиб келинган. Бугунги рақобатбардош дунёда уларнинг қаторидан бешинчи энг муҳим эҳтиёж ўрин эгаллади — бу таълим. Шунини ҳисобга олиб, юқоридagi ўзгаришлар барча фанлар моҳиятида содир бўлмоқда. Бош мақсад — ўқувчининг мактабга келишга рағбатлантирадиган мавзулар ва жараёнлардан иборат жозибадор таълим муҳитини яратиш.

МЕЪМОРИЙ МЕРОС

ОФТОБГА ҚАРАГАН УЙЛАР

халқ меъморчилигининг тарихий ўзанларидан баҳра олади

Ўзбек халқининг миллий меъморий мероси жуда бой ва серкирра. Маълумотларга қараганда, айна пайтда мамлакатимизда 7198 та тарихий ёдгорлик рўйхатга олинган бўлиб, шундан 2357 тасини меъморий обида, 3843 тасини археологик ёдгорлик, 998 тасини маҳобатли тарихий иншоотлар ташкил қилади. Ана шу рақамларнинг ўзи Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ёдгорликларга бой салоҳиятини, уларнинг бетакрор жозибасини, хорижий сайёҳларни ўзига оҳанрабодай жалб этиш омилларини намоён этади.



ХИВА. Тадқиқотлар асосида ҳовлининг қайта тикланган ҳолати

Меъморлик асарлари қаторига турли-туман бинолар, мажмуалар, майдонлар, шаҳарлар, улардаги монументлар, усти очик ва ёпиқ иншоотлар, аҳоли яшайдиган манзиллар ва уй-жойлар киради. Улар асрлар давомида шаклланган бунёдкорлик услубларидан фойдаланган ҳолда, халқ усталарининг юксак диди ва амаллари орқали барпо бўлади.

Халқ меъморчилигининг асосий объектини турар жойлар ва аҳоли яшаш шароити учун зарур бўлган инфра-тузилма иншоотлари ташкил этади. Уларнинг қамрови кенг ва ранг-баранг бўлиб, энг аввало, инсонларнинг қўндалик эҳтиёжи ва талабларини қондиришга хизмат қилади. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, меъморчилигимизнинг бош манбаи халқимизнинг қадриятларга асосланган турмуш тарзи ва қарашлари, ҳаётини малакаси.

Юртимиз ҳудудларида жўроғий иқлим-шароитлари ҳамда этник халқларнинг келиб чиқиш илдизларининг хилма-хиллиги туфайли халқ меъморчилигининг қатор йўналишдаги маданий ўчоқлари вуҷудга келган. Худди шу жиҳатлар турли меъморчилик мактабларининг пайдо бўлишига ҳам асос бўлган. Ўзининг ички тарҳи ва пардозлаш санъати, конструктив ва қурилиш

усуллари, меъморий услублари билан Самарқанд, Шахрисабз, Хива, Бухоро, Фарғона меъморчилик мактаблари катта шухрат қозонган.

Масалан, Фарғона водийси сейсмик зонада жойлашгани ҳисобга олиниб, уй-жойларнинг деворлари синчдан қўш қаватли қилиб қурилган бўлса, Хоразм воҳасининг сейсмик зонадан ташқаридалиги инobatга олиниб, улар яқка қаватли синчдан ёки аксарият ҳолларда пахса деворлардан барпо этилади. Ёғоч тўсинли каркас усулидаги ғиштдан ёки гуваладан қурилган иншоотлар пойдевор устига тикланган, яқка ёки қўша қаватли синчли қурилмаларнинг оралиғига хом ғишт ёки гувала терилган. Кейин деворларнинг ҳар иккала томони сомон аралашмали лой билан суवालган.

Бинонинг шип ва том қисми ёғоч тўсинлар билан ёпилиб, уларнинг оралиғига иккига ажратилган ярим думалоқ ҳодачалар қўйилиб, усти тўқилган қамиш боғламлари билан ёпилади. Бу оддий воситаларни қўллаш халқимиз ижодий ёндашувини, уй-жойларни қуриш маҳоратини намоён этиб келган.

Синчли ёки синчсиз пахса-лойдан қилинган бинолар қадимий Самарқанд-да IX—XI асрлардаёқ мавжуд эди.

VII асрда Бухорода бозор чорраҳасида қурилган гўмбазда шипдан ёруғлик бериш услуби қўлланилган бўлиб, бу архитектура тарихида “Абдуллахон фонуси” деб юритилган. Хоналарга бинонинг шип қисмидан ёруғлик бериш усули Хоразмда текис томли турар-жойларни қуришда ҳозирги пайтда ҳам кенг қўлланиб келинади. Ёпиқ ҳовли ичини ёки дарвозахона оралиғидаги ўтиш жойини (долон) ёритишда “фонар” услуби қўлланилади.

Энг қадимий анъаналар ёғоч меъморчилигида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, устун ва унинг бош қисми шаклида қадимий ҳисобланган “форс-месопотам”, “ҳинд-эллин”, “эрон-сосоний” услуби, ҳатто Хитой меъморчилиги таъсирининг айрим қўрилишларини яққол сезиш мумкин. Бунда Шарқ ва дунё маданиятининг ана шу даврдаги энг илгор меъморчилик анъаналаридан иқлим шароитимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиб келинган.

Турли ҳудудларда жойлашган ўзбекона уй-жойлар бир-биридан айрим жиҳатлари билан фарқланса-да, умумий меъморий услубларга ҳам эга. Энг муҳими, ҳамма хоналарнинг деразалари фақат ичкари ҳовлига, асосан, қуёшга қаратиб қурилган.

Аксарият ҳолларда уй-жойлар икки

қисмга ажратилиб, “ичкари ҳовли” — бола-чақа ва аёллар учун, “ташқари ҳовли” — меҳмонлар учун мўлжаллаб қурилган. Бунда оила аъзолари сони ва жинси эътиборга олинган ва ёғи айвон, қўшимча хоналар, ошхона, молхона ва ҳаммомдан иборат бўлган.

Айниқса, ҳовлидаги ёғочдан қилинган айвон ранг-баранг нақшлар билан безатилган. Бундай уйларнинг “ичкари” ҳовлиси ўзининг жозибadorлиги билан ажралиб туради. Қўпчилик ҳолларда, квадрат шаклдаги ҳовли саҳнида “ташнов” (оқава сув кетадига ўра) ўрнатилади. Унинг атрофига қурилган айвончалар хоналарни боғлаб туради. Айвонлар тагида ертўла (тобагон) бўлади.

Хива уй-жойлари тарҳи Бухорога яқин бўлиб, унинг айвонлари бошқа хоналарникига қараганда баланд бўй чўзиб турган. Шимол тарафга очик томони билан қурилган “улу айвон”нинг қарши-сида “терс айвон” солинган. Унинг баландлиги “улу айвон”га нисбатан пастроқ бўлади. Улу айвоннинг тепа қисмига учини баландроқ қўтариб “бодгир”, яъни тепадан келаётган салқин шамолларни пастга йўналтирадиган мослама ўрнатишган. Шу тариқа ҳовли ва унда жойлашган хоналарни шамоллатиб туриш имконияти яратилган.

Уй-жойларни барпо этишда азалдан асосий қурилиш материаллари сифатида пахса, ғишт, гувала, ёғоч, терак ва тол ишлатилган. Аксар биноларнинг девор ва томларига сомон сувоқ қўлланилган, фақат бадавлат хонадонларгина алебастр ишлатган.

Ўтган асрнинг бошларида уй-жойлар пойдеворсиз қурилган бўлиб, фақат ер ости суви яқин бўлган жойларда пишган ғишт ёки тош ишлатилган. Томини ёпишда ёғоч устун ва болор, ҳода-вас-са, қамиш, бўйра, лўмбоздан фойдаланишган. Ёмғир сувларини оқизиш учун тахтадан тарнов ясалган. Уй хоналари ва ҳовли сатҳига пишқ ғишт терилган. Ҳовлига кириш қисмидаги дарвоза ва эшиклар ёғоч ўймакорлиги билан безакланган.

Бухорода эшикларга бронзадан ясалган халқа ва болдоқлар ўрнатишган бўлиб, уларнинг ўзига хос товуши уйга эркак ёки хотин киши келганини билдирган.

Турар-жойларни, айниқса, меҳмонхонани файзли ва кўркам қуриш анъанаси ўзбек халқининг азалий урф-одатлари билан боғлиани кетган. Деярли барча қўш қаватли синчлик турар-жойларда ҳар-хил уй буюмлари, идишлар ва кўрпа-ёстиқлар сақланадиган аркасимон ёки порталсимон тоқчалар ясалади. Бухорода деворлар алебастр билан текисланиб, унга ўйма ислимий нақшлар солинган. Деворларда майши мавзулар ифода этилган рангли тасвирлар Тошкент, Самарқанд, Қў-



қонда кенг тарқалган. Хоразмда эса усталар ёғоч-ўймакорлигига, айниқса, дарвоза ва устунларни нақшлашга кенг ўргу берган.

Ҳозирда ҳам қўпчилик уйларнинг деворларига гилам, фотосурат ёки расмлар осиб қўяди. Девордаги тоқчаларга чинни чойнак-пиёла ёки анъанавий сопол идишлар териб қўйилади. Урфодат бўйича уйнинг тўрига меҳмон, oilанинг бошлиғи ёки ёши улўғ кишини ўтқазиш анъанаси ҳозирда ҳам сақланиб келинади.

Собиқ шўролар даврида халқимизнинг қадриятлари, анъана ва урфодатлари сингиб кетган меъморчилигимиз услубларини қўллаш чеклана бошланган. Олисга бормаиллик, ўтган асрнинг 70-йилларида қишлоқ аҳоли пунктларида хутор тизимини тугатиш бўйича қарор қабул қилиб, бу никоб остида республикамизнинг, асосан, қишлоқ жойларида кўпроқ ва яхши сақланиб қолган анъанавий ҳовли-жойларни, уларда қўлланилган меъ-

морчилик этнографиясини барбод қилишга зўр берилди. Шунга қарамай, халқимиз ўз қадриятларини сақлаб қола олди.

Эндиликда халқ меъморчилигини ўрганиш ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишни алоҳида соҳага айлантириш вақти етди, деб ўйлаймиз. Алоҳида ўргу бериб айтиш керакки, бошқа объектларга қараганда ушбу нозик ёдгорликлар эскириши, кўплари бузилиб кетганлиги сабаб бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини кенг миқёсда амалга оширишнинг имконияти чегараланган. Қўп ҳолларда тасодифан сақланиб қолган фрагментлардан фойдаланишга тўғри келади. Ана шу меъморчилик фрагментларининг эскириб кетган қўрилишдаги ҳолатлари ҳам бу санъатга бўлган қизиқишни янада оширишга хизмат қилапти. Биз уларни меҳр ва сабот билан йиғиб, жамлаб тадқиқ қилсак, меъморчилигимизнинг бу жабҳасида янада кенг тасаввурга эга бўлиш имкони пайдо бўлади.

Хусусан, кейинги пайтда мамлакатимизда қишлоқ, маҳалла ва этнография туризмнинг ривожланиши қадимий уй-жойларимизни азалий ҳолига келтиришни, инфратузилмани ҳам асл ҳолда сақлашни тақозо этмоқда. Самарқанд вилоятида ташкил этилган Кониғил сайёҳлик қишлоғида тикланган ва ўтган асрлар шарт-шароити бўйича жиҳозланган ва безатилган уй-жойлар фикримизнинг амалий мисоли. Бундай қишлоқ ва сайёҳлик масканларини ташкил этишни айнан илмий-тадқиқотлар натижалари асосида йўлга қўйиш лозим.

Жаҳонгир РАҲМОНОВ,
“Маданий мерос ЛИТИ” МЧЖ бош директори,

Зафар МАТЧОНОВ,
Ёджу техника институтининг Тошкентдаги филиали архитектура ва шаҳарсозлик факультети талабаси

ДЎСТЛИК РИШТАСИ

Ўзбекистон — Тожикистон:
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ
РИВОЖЛАНМОҚДА



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Тожикистон делегацияси вакилларининг мамлакатимиз касаба уюшмалари фаоллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлида кенг қамровли сайёҳ-харакатлар амалга оширилаётгани, бунинг натижасида қатор қўшни давлатлар, хусусан, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлигининг янги уфқлари очилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг стратегик шериклик, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва яхши қўшничилик асосида тобора мустақамланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерациясининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз

ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон ва Тожикистон касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида иккала томоннинг илгор тажрибалари билан ўртоқлашилди.

Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раиси Неъматзода Малиқшо Махмадшога юксак эҳтиром рамзи сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Эҳтиром” нишони топширилди. Федерациялар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида янги меморандум имзоланди.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги “ТЕХНОПАРК” МЧЖга ташриф буюриб, бу ерда фаолият кўрсатаётган корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнлари, ишчилар учун яратилган шароитлар, имтиёзлар билан танишди. “Ғалаба бори” ёдгорлик мажмуасида ҳам бўлиб, “Матонат мадҳияси” монументига гулчамбар қўйишди.

Тожикистонлик меҳмонларнинг Самарқанд шахрига ҳам ташрифи режалаштирилган.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси матбуоти хизмати раҳбари

САЛОМАТЛИК

“VOLKSWAGEN CADDY”
ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ
аҳоли хизматиغا сафарбар этилмоқда



Ханим Ўйдовасов олган сурат.

Бошланиши 1-бетда

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жиззах автомобиль заводи ўртасида тез тиббий ёрдам машиналарини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган эди.

Қуни кеча Жиззах автомобиль заводида мазкур шартномага мувофиқ юртимизда ишлаб чиқарилган А тоифали “Volkswagen Caddy” тез тиббий ёрдам автомашиналарининг биринчи босқичини худудий соғлиқни сақлаш бошқармалари тизимидаги тез тиббий ёрдам шохобчаларига етказиб беришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жиззах автомобиль заводи мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда тез тиббий ёрдам хизматини энг сўнгги русумдаги ва барча қулайликларга эга замонавий автотранспорт воситалари билан таъминлаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди соғлиқни сақлаш вазирининг уринбосари Абдулла Азизов. — Ўтган йили Тошкент шаҳар “Тез ёрдам” станциясига реанимацион тиббий аппаратлар билан жиҳозланган 150 дона “Форд” русумли автомашиналар харид қилинган эди. Бугун эса мамлакат бўйлаб худди шундай 435 та реанимобил халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Соҳадаги муҳим ўзгаришлардан яна бири шуки, “Тез ёрдам” бригадалари аҳоли яшаш пунктларига янада

яқинлаштирилди. Натижада хизмат кўрсатиш радиуси 15-20 километрдан 9-12 километрга қисқарди.

Айтиш жоизки, шу йилнинг 1 октябрга қадар жами 1000 та “Volkswagen Caddy” тез тиббиёт ёрдам автомашиналарини мамлакатимиз худудларига етказиб бериш кўзда тутилган. Мазкур замонавий автомашиналар мамлакатимизнинг барча худудларига тенг тақсимланади.

— Энг сўнгги ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ушбу автотранспорт воситалари халқроқ талабаларга тўла мос келиб, бемор ва тиббиёт ходимларининг қўлай жойлашишига имконият яратди, — дейди Жиззах автомобиль заводи директори ўринбосари Шухрат Мирсамуков. — Хусусан, автомашина совитиш-иситиш, вентилизация, тезкор алоқа тизими билан жиҳозланган. GPS тизими ўрнатишгани туфайли автомашиналарнинг ҳаракат йўналишидан хабардор бўлиш имконияти мавжуд.

Мазкур автомашиналар шаҳар шариоитида ҳаракатланиш бўйича юқори техник кўрсаткичларга эга бўлиб, ўтувчанлиги, ишончлилиги ҳамда ёниги тежамкорлиги билан шу туркумдаги бошқа автомобиллардан ажралиб туради.

Мухтасар айтганда, ушбу автомашиналарда ҳаракатни тўхтатмай туриш ҳам беморга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш мумкин. Бу эса, тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини яхшилаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“

A large, ornate white building with a green dome and blue accents, featuring arched windows and a central fountain in front. The building has a circular base with multiple arched entrances and windows, each decorated with intricate blue patterns. A large, multi-tiered fountain with several water jets is positioned in front of the building. The sky is clear and blue.

ЎзА якуни — 22:40 Топширилди — 23:50